

2012

# ЯНГИ ЙИЛ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# ЎЗБЕКISTON OVOZI

## ЎЗБЕКISTON ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!  
Муҳтарам дўстлар!  
Мана шу файзли оқшомда байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб, янги йилни кутиб олаётган сиз азизларни, бутун халқимизни ушбу кутлуг айём билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзининг самимий ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Мана шу шукҳули дамларда якунига етаётган 2011 йилни қузатар эканмиз, мамлакатимиз тараққиётида рўй берган улкан ўзгариш ва янгиланишлар, қўлга киритилган ютуқ ва марралар қаторида ўз оиламиз ва яқинларимиз бошидан кечирган таъвоиб ва муаммолар, янгилик ва хурсандчилик етказган кунлар барчамизнинг кўз ўнгимизда беихтиёр намоён бўлиши табиийдир.

Уйлайманки, ҳаммамиз бир фикрга қўшилишимиз — 2011 йил энг аввало эл-юртимизни янги, обод ва озода, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга бошлаган буюк тарихий ва кутлуг сана — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлаш йили бўлгани билан хотирамизда сақланиб қолади.

Шу маънода, 2011 йилни биз босиб ўтган 20 йил мобайнида халқаро майдонда тан олинган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган, юртимизнинг, ўлкамизнинг қиёфасини тобора ўзгартириб бораётган мамлакатимиз тараққиёт йўлининг узвий бир қисми, мантикий давоми, деб қабул қилсак, ҳеч қандай хато бўлмайдими.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳар қайси йилнинг келиши ўзига хос хусусиятлари, табиат ва ҳарорат инжиқликлари ва ўзгаришлари, сув танқислиги ва турли аломатлари билан бир-биридан ажралиб туради. Лекин, поёнига етаётган йил қандай қийинчилик ва мураккаблик келтирмасин, 2011 йил мамлакатимиз ва халқимиз учун самарали ва ҳосиятли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.

Дунёда энг нуфузли молиявий ташкилотлардан бири бўлмиш Халқаро валюта фонди томонидан таъкидланганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг давом этиши ва салбий таъсир ўтказишига қарамастан, Ўзбекистон санокли давлатлар қаторида 2011 йилда ҳам яқин ички маҳсулотнинг 8,3 фоизга ўсишини таъминлаб, шу асосда охириги 5-6 йил давомида иқтисодиётимизнинг барқарор юқори суръатлар билан ривожланиши бежиз эмаслигини исботлаб берди.

Жорий йил давомида мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, фуқаролик жамаияти институтларини ривожлантириш йўлида катта ишлар амалга оширилганини кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин.

Утган давр мобайнида илгари фақат орзу қилиш мумкин бўлган марраларга эришганимиз авваламбор биз танлаган йўлнинг ҳар томонлама тўғри эканини тасдиқлаб бермоқда. Хусусан, иқтисодиётимизнинг локомотиви бўлмиш янги ишлаб чиқариш тармоқларига асос солганимиз, ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилгани, ёқилги-энергетика, тоғ-кон

саноати, кимё, автомобилсозлик, капитал қурилиш, транспорт ва коммуникация, енгил саноат каби етакчи тармоқларнинг жадал ривожланиб бораётгани ана шундай ютуқларга мустаҳкам пойдевор бўлмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айниқса, фидойи деҳқон ва фермерларимизнинг бу йилги мавсумда оғир табиий қийинчиликларни мардонавор енгиб, 6 миллион 800 минг тонна галла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта хирмони бунёд этгани, 8 миллион 200 минг тоннадан зиёд сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштириб, янги йилни ёруғ юз билан кутиб олаётгани ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

Иқтисодиёт соҳасида биз эришган ана шундай салмоқли натижалар ўз навбатида 2011 йилда иш ҳақи, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 20,2 фоизга, пенсиялар 26,2 фоизга кўпайиши, аҳолининг реал даромадлари эса 23,1 фоизга ошиши учун имкониятлар туғдириб берганини алоҳида қайд этиш зарур.

Шу борада 2011 йилда иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳаси учун кенг имконият ва имтиёзлар яратиш бериш ҳисобидан мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилгани бандлик масаласини ҳал қилишда муҳим қадам бўлди.

Яқинида етаётган йил инсон манфаатини биринчи ўринга қўйдиган улкан устувор лойиҳаларни амалга оширганимиз билан ҳам тарихимизда муносиб ўрин эгаллайди. Мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги амалий ишларимиз натижасида одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси сезиларли равишда ошгани, оналар ва болалар ўлими кескин камайгани, биз қўлга киритган бундай ютуқлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак эътироф этилаётгани албатта барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия соҳасида 2011 йилда баржарган улғувор ишларимиз, уларнинг самараси ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожаги йўқ, деб ўйлайман. Энг муҳими, ана шундай бекиёс имкониятлардан баҳраманд бўлиб, тобора Ватанимиз истиқболлини белгилаб берадиган ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган навқирон ўғил-қизларимиз ўзининг дастлабки, умидбахш ютуқлари билан барчамизни қувонтирмоқда.

Шу ҳақда гапирар эканмиз, бир ҳақиқатни ҳеч қанон эсимиздан чиқармаслигимизни истардим. Кўпни кўрган, заҳматкаш халқимизнинг машаққатли меҳнати эвазига эришган, тасаввур этишнинг ўзи қийин бўлган бундай юксак марраларимизнинг пойдевори, энг катта бойлигимиз бўлмиш — юртимизда ҳукм суратган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат ва бағрикенгликни, миллатлараро тўғривликни кўз қорачигидек асраш, бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва таҳликали замонда доимо ҳушёр,

огоҳ ва сезгир бўлиб яшаш, ёшларимизни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини турли зарарли таъсирлардан ҳимоялаш ҳозирги кунда нақадар долзарб ва муҳим вазифага айланаётганини унутмаслигимиз даркор.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!  
Биз кириб келаётган янги — 2012 йилга мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили» деб ном берганимиз бежиз эмас, албатта. Бунинг негизда юртимизда оила институтини, аввало, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила таянчи бўлган аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш, маҳалла тизимининг бу борадаги ролини кучайтириш, муҳтасар айтганда, оила фаровонлигини ва шу асосда бутун халқимиз фаровонлигини янада ошириш каби мақсадлар мужассам эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Янги — 2012 йилга мўлжалланган режаларимизда Давлат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, унинг аксарият қисми юқорида зикр этилган соҳаларни таъминлашга, аввало соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият тармоқларини юксалтиришга қаратилган. Иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар миқдори 20 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса 22-24 фоизга кўпайиши белгиланмоқда.

Янги йилда икки йил олдин бошланган ва халқимизни, авваламбор қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг келяжagini ўйлаб амалга оширилаётган, бутун жамаиятимизнинг эътибор марказида турган, янги қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойларни қуриш, коммунал-мунофиқ шароитларни яратишга қаратилган дастурни давом эттириш кўзда тутилмоқда. 2011 йилда 7 минг 400 та оила умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метр бўлган, ҳар томонлама қўлай уй-жойларга, замонавий шароитларга эга бўлган бўлса, 2012 йилда 8 минг 510 та оила шаҳар шаароитидан ҳеч кам бўлмаган ана шундай янги уй-жойларга қўйиб кириши мўлжалланмоқда.

Янги йилга мана шундай олжаноб мақсадлар билан қадам қўяр эканмиз, кириб келаётган йилда барча холис ниятларимиз ижобат бўлмай, иншооллоҳ.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!  
Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган Янги — 2012 йил билан яна бир бор самимий табриқлайман.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда қалбимдан, юрагимдан чиқаётган энг эзгу тилакларни изҳор этаман:  
кексаларимизнинг умри узоқ бўлсин,  
опа-сингилларимизнинг чехрасидан табассум ариماسин,  
ёшларимизнинг бахту иқболлини берсин.  
Янги йилда ҳам Яратганимиз ҳаммамизни ўз паноҳида сақласин, ўзи асрасин.  
Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!  
Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



## Болажонлар қувончи учун

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар, барча туман ва шаҳарларимизда «Президент арчаси» янги йил байрами тадбирлари бўлиб ўтди

**Тантаналарда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, хизмат бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган ички ишлар, мудоффа тизими ходимларининг фарзандларига меҳр кўрсатилди, байрам совгалари топширилди.**

Болажонлар Қорқобо ва Қорқиз, миллий эртак қаҳрамонлари билан бирга театрлаштирилган сахна кўринишларини ижро этишди. Бағдий жамоаларнинг бир-биридан қизиқ концерт ва томоша дастурлари мурғак қалбларга қувонч улашди, ям-яшил арча атрофида қувонқ уйин-кулги авжига чикди, болалар қийқириги қалбларга завқ бахш этди.

— Янги йил байрамини, Қорқобо ва Қорқиз билан ўйнашни жуда яхши кўраман, — дейди Са-

марқанд шаҳридаги «SOS» болалар шаҳарчаси тарбияланувчиси Сирожиқдин. — Чунки бу байрамда бизга чиройли совғалар беришади, эртақдаги маликалар билан ўйнаб, рақсга тушамиз.

Боланинг беғонаси бўлмайди, ҳаммаси бегубор, ҳаммаси — яхши! Уларнинг шўх-шодон кулгуси, қувончи инсонни яхши нарсалар ҳақида ўйлашга, уларнинг бахти учун эзгу ният ва ойдин тилаклар билан астойдил меҳнат қилишга ундайди.

## ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИКЛАРИ

Кириб келаётган Янги 2012 йил муносабати билан давлатимиз раҳбари Ислом Каримов номига хорижий мамлакатлар, ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда сиёсат ва жамоат арбобларидан самимий кутловлар келмоқда. Мазкур табрикномаларда қизгин муборакбод сўзлари изҳор этилиб, Юртбошимизга ва Ўзбекистон халқига энг эзгу тилаклар йўлланган.

**Жумладан, қуйидагилар ўз самимий табрикларини йўллашган:**

Хитой Халқ Республикаси Раиси	<b>Ху Цзиньтао;</b>	Канада Генерал-губернатори	<b>Дэвид Жонсон;</b>
Корея Республикаси Президенти	<b>Ли Мён Бак;</b>	Янги Зеландия Генерал-губернатори	<b>Жерри Матепарае;</b>
Франция Республикаси Президенти	<b>Николя Саркози;</b>	Ливан Республикаси Президенти	<b>Мишел Сулаймон;</b>
Испания Қироли	<b>Хуан Карлос I;</b>	Мали Республикаси Президенти	<b>Амаду Тумани Туре;</b>
Норвегия Қироли	<b>Харальд V;</b>	МДҲ Ижроия кўмитаси Раиси-Ижро этувчи котиби	<b>Сергей Лебедев;</b>
Венгрия Республикаси Президенти	<b>Пал Шмитт;</b>	Коллектив хавфсизлик шартномаси Ташкилоти Бош Котиби	<b>Николай Бордюжа;</b>
Латвия Республикаси Президенти	<b>Андрис Берзиньш;</b>	Давлатлараро авиация кўмитаси Раиси	<b>Татьяна Анодина;</b>
Словения Республикаси Президенти	<b>Данило Тюрк;</b>	Москва ва Бутун Русь Патриархи	<b>Кирилл;</b>
Эрон Ислом Республикаси Президенти	<b>Маҳмуд Аҳмадинежод;</b>	Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги Президенти	<b>Садако Огата;</b>
Афғонистон Ислом Республикаси Президенти	<b>Ҳамид Карзай;</b>	«Боинг» компанияси ижрочи вице-президенти	<b>Жим Албау;</b>
Мўғулистон Президенти	<b>Цахиагийн Элбэгдорж;</b>	«ЛУКОЙЛ» компанияси президенти	<b>Вагиз Алекперов;</b>
КХДР Олий Халқ Мажлиси Президиуми Раиси	<b>Ким Ён Нам;</b>		
Арманистон Республикаси Президенти	<b>Серж Саргсян;</b>		
Молдова Республикаси Президенти вазирасини бажарувчи, Парламент Раиси	<b>Мариан Лупу;</b>		<i>Табрикномалар келиши давом этмоқда.</i>

# Эзгу мақсад ҳаммамизни бирлаштиради!

Инсон эзгу орзу-интилиши, ҳалол меҳнати орқали ютуққа эришса, хурматга сазовор бўлса, бунинг хурсандчилигини аввало ота-онаси, яқинлари билан баҳам қўришга, оиласи даврасига ошиқади. Бу — бежиз эмас, албатта. Яхши иш қилиб атрофдагиларга наф келтириш, муваффақият қозониб, ўзгаларга қувонч улашиш ҳисси дастлаб оилада шаклланади. Шу хислат кейинчалик кишини катта режаларни амалга оширишга, жамият равнақи учун хизмат қилишга ундайди.

Президентимиз бу йил оила институтини мустаҳкамлаш бўйича тегшли конунчиликни такомиллаштириш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оиланинг кадр-қиммати, маҳалла тизимининг таъсирини ошириш, оналар оғирини енгил қилиш, шунингдек, таълим-тарбия муассасалари билан оила ҳамкорлигини кучайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Шу боис, партияимизнинг барча даражадаги ташкилотлари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари Мустаҳкам оила йилида ҳар қачонгидан ташаббускор бўлиши зарур. Хусусан, қонун ижодкорлиги жараёнида жамоатчилик фикрини чуқур билиш, оила институтини билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ижроси бўйича парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, бунда ҳудудий партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ва фракцияимизнинг узвий ҳам-

корлигини йўлга қўйиш гоёта муҳим. Маҳаллий Кенгаш депутатлари маҳалла ҳаётига, айниқса, манзилли таъминот билан боғлиқ қонунлар, ҳукумат қарорлари ижросига изчил эътибор қаратса, оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёз ва имкониятлар яратиш бўйича адалат қарор топади, амалий таклиф ва тавсиялар юзага келади ва бундан жамиятга фойда етади. Шу маънода, оилаларда соғлом ва ишчан муҳит яратиш, оила аъзолари қобили-



Гулноза ЭРНАЗАРОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,  
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

ятлари рўйга чиқишига ёрдамлашиш, айниқса, биз ЎзХДП фаоллари ва депутатлар учун муҳим вазифа ҳисобланади. Чунки, бу каби тадбирлар оилалар фаровонлигини оширади. Ҳар бир хонадон барқарор ва мустаҳкам бўлса, эзгу орзу-ниятлар билан, интилиш билан яшаса, Ватан равнақи учун қайғурадиган кишилар сафи янада кенгайса. Қайси соҳада ишламайлик, янги йилда оила ҳақида қайғуриш, оилани улуғлашдек эзгу ниёт барчамизни бирлаштириб турсин!

## Интернет табриклар

# «Ватанамиздан, халқимиздан умрбод қарздормиз»

Янги йилни Канада, Германия, Жанубий Корея ва Россияда кутиб олаётган ёшларимизнинг дил сўзлари



**Дониёр АЛИМОВ, Канаданинг Оттава университети медицина факультети талабаси:**  
— 2011 йил мен учун унутилмас бўлди. Оттава университетининг медицина факультетига ҳужжатларимни топшириш олдидан жуда ҳам кучли тайёрлик кўрдим. Аввал суҳбат, кейин тест синовлардан муваффақиятли ўтиб, талабалар сафига қўшилдим. Мени яна бир қувонтирган жиҳат шундаки, университет тарихида биринчи ўзбек талабаси бўлиман.

Ўқишнинг биринчи семестрини аёло баҳолаш билан яқунлаганим қувончimgа қувонч қўшди. Биз мустақиллик фарзандлари ўз куч ва билимимизни ҳар доим, ҳар ерда кўрсатишга тайёрмиз. Биз чет элларда ўқиб юрганимиз учун Президентимизга раҳмат айтишимиз керак. У киши ўзларининг ҳар бир маърузаларида ёшларимиз чет элда билим олишлари керак, деб таъкидлайдилар. Натийжада мен каби ёшларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда.

2012 йилдан жуда кўп нарсаларни кутаяман. Аввало билимларимни янада ошириш, 1-курсни аёло баҳолашга битириш. Интернет тармоғи орқали юртимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеаларни мунтазам кузатиб бораёман. 2012 йил Юртбошимиз томонидан «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинганда хурсанд бўлдим. Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигига берилган эътибор бугун ҳаммани лол қилапти. Айниқса, шу масалага бағишланган симпозиумнинг пойтахтимизда бўлиб ўтгани жаҳон ҳамжамиятининг бизда қилинаётган ишларга қанчалик юқори баҳо бераётганидан дарақдир. Мен курсдошларимга, университет дотларларига юртимизда тиббиёт соҳасида олиб бориладиган ислохотлар тўғрисида доимо гапириб бераман. Улар биз учун чин дилдан хурсанд бўлишади. Кириб келаётган Янги йил билан халқимизни, ота-онамни, қариндошларимни, дўстларимни табриклияман. 2012 йил биз учун янги мақсадлар, янги интилишлар йили бўлсин!

## Наргиза ИЛХОМОВА, Германия:

— 2011 йил ҳаётимда ёрқин хотиралар қолдирди. Боиси Германиядан юртимизга қайтиб, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети чет тиллар филологияси факультетининг 3-курсини аёло баҳолаш билан тугатдим. Ўқиб даврида мени пойтахтимиздаги немис корхоналаридан бирида таржимон бўлиб ишлашга таклиф қилишди. Илгари фақат ўқиш билан банд бўлиб ҳеч қаерда ишламаганим учун бироз иккиландим. Устозларим ва ота-онамнинг далдаси билан ишлай бошладим. Бу мен учун катта тажриба мактаби бўлди. Энг эътиборли воқеа сифатида DAAD (Германия академик алмашинув хизмати) томонидан таъсис этилган 1 семестрлик стипендияни ютиб олганимни айтмоқчиман. Ҳозир 4-курсни Германияда давом эттириш билан бирга, диплом ишини ҳам ёзаяман. Бу мен учун берилган катта имконият. Чунки диплом ишини ёзишда немис тилидаги энг сўнгги адабиётлардан фойдаланиш имконияти туғилапти.



2012 йилдаги энг асосий мақсадим — Германияда ўқишни яқунлаб, юртимизга қайтиш ва семестрни аёло баҳолашга ёпиб, диплом ишини муваффақиятли ҳал қилиш. Ундан кейин магистратура босқичида ўқишимни давом эттиришни мақсад қилганман. Менга шунчалик билим олишим учун чет элда ўқишимга имконият берган Ватанимдан, халқимдан умрбод қарздорман. Барча ўрганганларимни юртим равнақи йўлида сарфлашга тайёрман. Келажакда юртимнинг қорига ярайдиган фарзанд бўлишга ваъда бераман.

## Ноҳира ШОҚОСИМОВА, Ломоносов номидаги Москва давлат университети талабаси:

— 2011 йил нафақат мен учун, балки Россияда таълим олаётган ўзбек талабаларига қувонч келтирди. Жуда кўп тадбирларда Ўзбекистон номидан қатнашдик. Наврўз байрамини университетимизда кенг миқёсда нишонладик. Ушбу байрамнинг ўзига хос жиҳатларини бизнинг урф-одатларимиздан бе-хабар инсонларга кўрсатиб бердик. Чет элликлар бизнинг маданиятимизга доимо қизиқиб келишган. Улар ўзлари учун урф-одатларимизни кашф қилдилар. Ўзбекистоннинг Россиядаги элчионасида талабалар ва элчиона ходимлари иштирокида Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини тантанали нишонладик. Грузия хайрия фондининг «Маданият диолог» («Диалог Культур») симпозиумида дўстларим билан қатнашиб, Ўзбекистон маданияти, урф-одатлари ҳақида маъруза ўқидик. Янги йилдан кўп яхши нарсаларни кутаяман. Ре-



жаларим улкан. 2012 йил Президентимиз томонидан «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинганни эшитганимда ажиб туйғуларни ҳис қилдим. Кўз олдимга Тошкентдаги оилам келди...

Оила — муқаддас даргоҳ. Ҳар бир ёшнинг инсон сифатида шаклланиши айнан оиладан бошланади. Қуш ўз уясида қўрганини қилади деганларидек, фарзанддаги яхши одатларнинг ҳаммаси айнан оилада шаклланади. Кириб келаётган Янги йил билан халқимизни ва Юртбошимизни чин қалбимдан табриклияман. Ҳар бир оила мустаҳкам бўлсин. Азиз юртимиз ҳаммаша тинч бўлсин.

## Хусниддин ЭГАМБЕРДИЕВ, Жанубий Кореянинг DAEGU университети магистранти:

— 2011 йилда DAEGU университетининг магистратура босқичининг 1-курсини муваффақиятли тамомлаб, 2-курсга ўтдим. Ҳозир бизнес бошқаруви бўлимининг маркетинг йўналишида ўқишни давом эттиряман. Истиқлолимиз шарофати билан биз каби ёшлар дунёнинг нубузали олий ўқув юртиларига қўймоқда. Ўқиганда ҳам шунчаки эмас, энг олди талабалар қаторидан ўрин ола би-



ляпмиз. Бу аввало юртимизда таълим тизими яхши йўлга қўйилганидан, устозларимиз бизга яхши сабоқ берганларидан дарақ беради. Ўтиб бораётган йилда ўзим учун муҳим бўлган билимларни эгаллай олдим. Бизнес соҳасида кўплаб маълумотлар йўғдим. Ишонманки, булар меннинг келгуси ишларимда асқотади. Ҳозир кўплаб бизнес режаларим бор. 2012 йилда улардан бирини амалга оширишни мақсад қилганман. Бундан ташқари, Ўзбекистон — Корея қўшма корхоналаридан бирида ўз фаолиятимни бошлаш

режаларимдан бири бўлади. Яна бир ниётиб — келаётган йилда уйланиб, оила қурмоқчиман. Тан олиб айтмакчи, 2012 йил юртимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинганни ўқиганимдан кейин шу қарорга келдим. Умид қиламанки, мен каби шу йилда турмуш қуришни режалаштираётган ёшларнинг оиласи чиндан ҳам мустаҳкам бўлади. Кириб келаётган янги йил ҳаммага қувонч ва бахт келтирсин.

«Ўзбекистон овози» мухбири  
Темур АЪЗАМ уюштирди.

## Андижонда

# «Президент арчаси» байрами



Бу йилги байрам тадбири Андижон шаҳридаги «Ёшлар маркази»нинг тантаналар саройида бўлиб ўтди. Шодийнага Болалар шаҳарчасининг фуқаролари, ички ишлар, муҳофаза, фавқулодда вазиятлар бошқармалари, миллий хавфсизлик хизмати идораларида ишлаб, Ватанимиз озодлиги ва тинчлиги йўлида қурбон бўлган ходимларнинг ҳамда кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари таклиф этилди.

Байрамода дастурхон атрофидан жой олган болажонларни вилоят ҳокими Аҳмадjon Усмонов табриклади ва уларга мамлакатимиз Президентини Ислом Каримовнинг махсус совға-

ларини топширди. Мен «Президент арчаси» шодийналарини доимо интиқлик билан кутаман, — деди 9-синф ўқувчиси, Болалар шаҳарчаси фуқароси Фотиима Абдурахмонова. — Бу байрам

ўзгача хурсандлик билан ўтади, томошаларга бой бўлади.

— Байрамда шеър айтдим. Қорбобо билан мазза қилиб ўйнадим, — дейди 5 ёшли Темур Куклев бйрон тилда. — Бу каби дил сўзларини барча болажонлар мамнуният билан ишхор этишди. Уйинкулги, қизиқарли томошаларга бой бўлган тантана якунида барча иштирокчилар биргаликда «Президент арчаси» кўшигини қуйлашди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

# Қўшалок байрам

Денов туманидаги «Кўчақли» маҳалласида янги кишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди

Денов туманининг 320 минг нафар аҳолисига 35 та кишлоқ врачлик пункти, 5 та поликлиника, 9 та шифохона хизмат кўрсатмоқда. Давлат дастури асосида сўнгги йилларда 10 та кишлоқ врачлик пункти қуриб ишга туширилди. 26 та амбулатория ва участка шифохоналари реконструкция қилиниб, ҚВПга айлантирилди. Улар замонавий тиббий анжом ва жиҳозлар билан таъминланди. Бунинг учун 932 миллион сўм сарфланди.



— Муассасаларимизда минг нафарга яқин олий ва ўрта тиббий маълумотли мутахассис фаолият кўрсатмоқда, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Юнус Ҳуроков. — Ҳар йили узоқ ва тоғли ҳудудларда яшовчи аҳоли тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Тез тиббий ёрдамни янада яхшилаш мақсадида бўлимга янги автоуловлар олинди. Кўплаб шифо масканлари электрокардиограф аппарати ва замон талабидеги лаборатория ускуналари билан таъминланган. Марказий шифохонага эса лапараскоп, партатив рентген ва бошқа кўплаб янги асбоб-ускуна ўрнатилди. Янги йил «Кўчақли» маҳалла аҳли учун қувончли бошланди. Бу ерда янги кишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Уни бунёд этиш учун 231 миллион сўм маблаг сарфланди.

Жкин қунларда 149 миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуна олиб келинади. — Маҳалламиз туман марказида 8 чақирим олисда жойлашган, — дейди кекса шифокор Мамаюсов Жўраев. — Янги ҚВП иш бошлаши билан етти минг нафар одамнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлди...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

# Соғлом оила — бахтли оила

Ўтаётган йил юртимиз, халқимиз учун ниҳоятда яхши келди. Мамлакатимиз салоҳияти янада юксалди, одамларимизнинг турмуш фаровонлиги ошди. Ислохотлар тақдирига ўзини дахлдор деб билган ҳар бир ватандошимиз ҳаётда беқийс ўзгаришлар, қувончли натижалар бўлди. Буни бошлангич партия ташкилотимизнинг 2011 йилдаги фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бундан ташқари, партияимизнинг ёлғиз кексалар, ижтимоий ғимояга муҳтож кишиларга қўмак беришдаги саъй-ҳаракатида ҳам муносиб иштирок этдик. Йил давомида Бобекент туманида истиқомат қиладиган 8 нафар ногирон, қаровчисини йўқотган кексаларга моддий ёрдам кўрсатдик.

Электротар манфаатини ғимоя қилиш, кенг жамоатчилик билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, партия хайрихоҳлари билан ҳамкорлик ва ёшлардан иборат етакчи кадрлар захирасини шакллантиришда бошлангич партия ташкилотлари фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқсақ, куйи бугун зиммасидаги масъулият ҳам катта. У партиянинг асосий танчиси сифатида бевосита аҳоли орасида мунтазам иш юритиши, унинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиши керак. Шуни инобатга олиб, йил давомида фаолиятимизни амалий ҳаракатлар асосида олиб боришга интилдик. Муҳими, бундан электротар манфаатдор бўлди. Ижтимоий-сиёсий ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда туман партия кенгаши ва депутатлар билан ҳамкорлигимиз яхши самара берди.

Шунингдек, ходимлар ўрта-синф ва фуқаролик маърифати тизимини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида аҳамият бердик. Белгиланган режа асосида йигирмага яқин тadbир ўтказдик. Уларда мамлакатимизда инсон манфаатлари устувор бўлган қонун ва қарорлар мазмун-моҳияти, хусусан, тиббиёт соҳасининг ҳуқуқий асослари ҳақида маърузалар тингланди.

Аммо бугун давр янгича ишлашни талаб қилапти. Фаолиятимизга танқидий қарайдиган бўлсақ, ишимизда замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланган ҳолда семинарлар ўтказиш бироз суст. Янги йилда бу борадаги ҳаракатни жонлантириб, партияимиз мақсад ва гоғларини амалга оширишда фаол иштирок этишни режалаштирдик. Шунингдек, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган ишимизни кучайтиришни ният қилганмиз.

Ўқтам ОЛИМОВ,  
Бухоро вилоят реабилитация марказидаги ЎзХДП бошлангич ташкилоти етакчиси.

Реклама



## АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ЖАМОАСИ**

азиз юрtdошларимизни,  
жумладан, таълим соҳасида фаолият  
юритаётган ҳамкасblаримизни  
кириб келаётган **ЯНГИ — 2012 ЙИЛ —**  
**Мустаҳкам оила йили** билан  
чин дилдан муборакбод этади!

Келаётган йил барчамизнинг хонадонимизга  
қут-барака, сиҳат-саломатлик,  
мустаҳкам оилавий бахт олиб келсин!

Келажак авлодни тарбиялашдаги  
фидокорона меҳнатларингизда  
омадлар ёр бўлсин!

2012



# «ОҲАНГАРОНДОН»

акциядорлик жамияти

жамоаси

*халқимизни*

**ЯНГИ — 2012 ЙИЛ**

*билан табриклайди!*



Хонадонларингиздан тўкин-сочинлик,  
қут-барака аримасин, қалblаримизни меҳр-  
мурувват, бахт-саодат асло тарк этмасин!

Ниятимиз — халқимизнинг ризқу насибаси  
доимо бутун бўлсин!

**Янги йилда юртимиздаги ҳар бир  
оилага тинчлик ва осойишталик,  
тўкин-сочинлик тилаймиз!**



## «ТОШКЕНТДОНМАҲСУЛОТ»

акциядорлик жамияти жамоаси

*юрtdошларимизни*

**ЯНГИ — 2012 ЙИЛ**

*билан муборакбод этади!*

Янги йил юртимизга

яхшиликлар, эзгуликлар, меҳр-  
оқибат ва ҳамжиҳатлик олиб келсин!



Янги йилингиз  
қутлуғ бўлсин, азиз дўстлар!



«PSM GROUP» ОАЖ,



«ANGELINE COSMETICS» МЧЖ

Ўзбекистон — Польша



қўшма корхонаси  
жамоалари

Ўзбекистон халқини  
**ЯНГИ — 2012 ЙИЛ**  
билан самимий қутлайди!

Ҳар бир оилага  
тинчлик, бахт-  
саодат тилайди.

Дилингиздаги барча  
орзу-умидларингиз  
рўёбга чиқсин!

Ҳамкорлигимиз  
мустаҳкам  
ишончга  
айлансин! **2012**





# «ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ»

унитар корхонаси жамоаси

мамлакатимиз аҳлини **ЯНГИ – 2012 йил**  
билан муборакбод этади!

Кириб келаётган йилда ҳам озод ва обод  
Ватанимизни тинчлик, хонадонларимизни  
тотувлик, қалбларимизни эзгулик  
асло тарк этмасин!

**Янги йилингиз  
қутлуғ бўлсин,  
азиз ватандошлар!**

# «ҚАШҚАДАРЁПАХТАСАНОАТ»



худудий акциядорлик бирлашмаси  
жамоаси

юртдошларимизни ва соҳа ходимларини  
яқинлашиб келаётган

**ЯНГИ – 2012 йил –  
МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ**

билан муборакбод этади!

**Толеимиз баланд, ризқимиз  
бутун, хонадовимиз файзли,  
мустақиллигимиз абадий бўлсин!**

**Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиизлар!**

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV  
Latif G'ULOMOV  
Bobir ALIMOV  
Sharbat ABDULLAYEVA  
Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV  
Tat'yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
G'affor HOTAMOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihidin  
MUHIDDINOV  
Ochilboy RAMATOV  
Saidahmad  
RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti – 233-10-13; Madaniyat va sport – 233-69-45;  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot – 233-44-55;  
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot – 233-12-56;  
Reklama va e'lonlar – 233-38-55, 233-47-80;  
Kotibiyat – 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,  
Matbuotchilar  
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot  
agentligida 0006-raqam bilan  
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba  
kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini  
ko'chirib bosish faqat tahririyat  
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г – 146  
20075  
nuxxada  
bosildi.

t – Tijorat materiallari  
O'za yakuni – 19.20  
Topshirilgan vaqti – 20.20

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:  
To'liq TO'RXONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:  
Sobirjon TUNG'ATOV,  
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7133



1 2 3 4 5